

"Будущее уже сегодня" мавзусидаги Нобел Фест 3-онлайн фестивали

Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси маълумотига кўра, жорий йил 26-29-октябр кунлари "Будущее уже сегодня" мавзусидаги Нобел Фест 3-онлайн фестивали ўтказилиши режалаштирилган.

Ушбу фестивал Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти кутубхонаси - Елбасы Н.Назарбайев, Г-Глобал халқаро котибияти ва инклюзив ривожланиш жамғармаси томонидан ташкил етилади.

Нобел Фест қуйидаги 4 та асосий йўналишларни ўз ичига олади:

- "Зеленая реальность"
- "Навыки новой эры"
- "Век инноваций"
- "Экономика для людей"

Қозоғистон томони мазкур тадбирда қатнашиш учун Олий таълим муассасаларининг раҳбарлари ва маъсул ходимларини таклиф етган.

Фестивалда қатнашиш учун қуйидаги веб- саҳифа орқали рўйхатдан ўтиш зарур: <https://nobel-fest.inpolicy.net>

Мазкур тадбир билан боғлиқ бўлган қўшимча маълумот учун маъсул: Калибеков Батихан - Нобел фестивали матбуот хизмати; e-mail- kalibekov@inpolicy.net